



Тарихчи олим Илан Паппе айтганидек, долзарб воқеаларига баҳо беришда ахлокий компасни йўқотиб қўймаслик учун вазиятнинг келиб чиқиши ва давом этиш жараёнларига тарихий тафаккур билан қараш талаб қилинади. Тарихий тафаккурга эга бўлиш бефарқ бўлмаган инсон учун ўта зарур. Шу сабабдан тарихий назарга оид мақолалар туркумида Ницшенинг «Тарихнинг хаёт учун фойда ва зарарлари» мақоласидаги айрим гояларни истеъмолга олган эдик.

Ницше тарихни идрок этишнинг ўрта асосий ёндашуви хакида фикр юритади: монументал, антиквар ва танкидий. Аввалги иккиси хакида ўтган мақолаларда тўхталганмиз. Ушбу мақола танкидий тарихчилик хакида бўлиб, одатдагидек унинг фойдалари, салбий жihatларини келтирамиз ва айрим тавсияларимизни тақдим қиламиз.

Танкидий ёндашув, Ницшенинг фикрига кўра, маълум бўлган тарихий фактларни таҳлил қилиш асосида тарихий шахслар, уларнинг ишлари, содир бўлган ҳодисалар ва уларнинг оқибатлари ўстида ҳулосавий ҳукм чиқаришдир. Бунда тарихчи ўтмишнинг ҳатолари, жиноятлари, сирлари, заифликларини аёвсиз фoш қилади. Совуққон ҳакам қаби тарих ўстидан ўзил кесил ҳулоса чиқаради. Танкидий ёндашувда тарихий зотлар, халқлар ва воқеалардан идеаллик суриб қўйилади, фактларга нисбатан ҳар қандай тарафқашлик четган сурилиб жиддий муносабатда бўлади.

1. Танкидий тарихнинг фойдалари

Мақсад ҳақиқатнинг тубига етиш бўлса, ёқимсиз фактларга тайёр бўлишни танкидийлик таъминлайди. Тарихчи терговчидек ўтмиш ҳужжатлари ва гувоҳликларини тафтиш қилиб чиқади. Танкидий тафаккур фаннинг асосий қуролларидан. Бирон илмий назария танкид синовларига дучор бўлмагунча илмий деб қабул қилинмайди. Тарих фани учун

хам танкидий услублар ўта зарур.

Бугунги кун оғир муаммоларига ечимларини топиш ва келажак учун янгиликлар барпо қилишда ўтмишнинг кераксиз юқларидан воз кечишга эҳтиёж тугилади. Танкидий тафаккурсиз янги перспективани ҳосил қилиш имконсиз, чунки барча кашф қилинаётган йўлларга ўтмиш одатлари, кўникмалари, қолиплари ва анъаналари катта тўсик бўлади. Тўсикларни эса танкид парчалайди. Уларни парчалагач, бунёдкор зот ёки халқ (мутафаккир, сиёсатчи, санъаткор, тадбиркор, олим, ихтирочилар) қайта тугилгандек ўзини эркин ҳис қилиб, олдида бепоён имкониятларни топа олади.

2. Танкидий тарихнинг зарарлари

Танкидга муккасидан кетиш натижасида соғлом анъаналар ва қимматли меросларга жиддий путур етказиб қўйиш мумкин. Шахс ёки миллат пойдеворларни парчалаш натижасида ўзликни йўқотишгача боради. Маънолар йўқолиб, юксак мақсад ва қадриятларга бўлган ишончини ўлдиради, бу эса бўшлиқ ва мақсадсизлик ҳиссини келтириб чиқаради. Ахлокий нигилизм (ахлоқни инкор қилиш) қучайиб, «декаданс» (тубан кетиш) ҳукмрон бўлади.

Тарихни аёвсий танкидга дучор қилиш жамиятда одамлар ўртасида қадриятлар қураштини кескинлаштиради, чунки турли гуруҳлар ва шахслар ўтмиш ва унинг аҳамияти хакида турлича қарашларга эга. Қадриятларга нисбатан агрессия эса агрессив ҳимояни тугдиради.

Хаддан ташқари танкид оғирлиги чарчокни келтириб, ақлни боғлаб қўяди. Ўтмишни доимий равишда қайта қўриб чиқиш ва қайта баҳолаш ноаниқлик ва кераксиз шубҳаларга олиб келади. Хаёт ва келажак учун зарур бўлган қарор қабул қилиш қобилияти ва ҳаракатларни фалаж қилади.

Юқорида танкидийлик ҳар қандай фан учун керак бўлганидек, тарихга ҳам керак дедик. Аммо меъёрсиз танкидчилик, танкид учун танкид – «гиперкритицизм», гипер-танкидчилик деган нарсаси ҳам бор. Бу дардга чалинган тадқиқотчи нодир тарихий манбаларни ишончсизга чиқариб юборади. Ўша замонда яшаган одамларнинг гувоҳликларини бир теккис қилиб, ўзининг замонавий тахминларини устун қилади. Гипер-танкидчилик барча фанда учраб туради, аммо энг кўпи ва энг катта зиён етказгани тарих фанида бўлган. 19-аср охиридан ва 20-аср ўрталаригача тарих мутахассислари орасида бу иллат эпидемиядек тарқалган эди, танкидий ишончсизлик сабабли илмий асарларга қўплаб ҳато тасаввурлар аралашиб кетган. Агар «ўтмиш ёлгонларини фош қилмасан» у тарихчи олим ҳисоблана омайдиган даражага келиб, конспирология ва босига қирувчи «муқобил» псевдо-тарихчиликка катта туртки бериб юборди.

Гиперкритицизмга чалинган тарихчи бачкана баёнотларидан сезилади. Масалан: тарихий сулоларни «а, бу бир оилавий пудрат-да» дейди, тарихий шахснинг машҳур эътиқод қарашларини йўққа чиқариб, буткул бошқа маслакда бўлганини жиддий асоссиз исботламоқчи бўлади.

Файласуф Александр Пятигорский гипертанкидчилик хакида гапирар экан, мисол тариқасида ҳаётда бўлиб ўтган латифани айтгани: бир гётешунос «сенсацион кашфиёт» қилади, эмишки, Гёте Лотта исмли аёлга ишқий изтироблари хакида ёзган сўзлари ёлгон, чунки хат ёзилган санада Гёте бошқа аёлни севаётган эди ва буни у

Муаллиф:

24.10.2023 16:18 -

Гётенинг ўзидан аниқроқ билишини илмий исботлай олишини мақолада ёзиб, тарихчилар ва адабиётшунослар орасида кулгули жанжал чиқаради.

3. Тавсиялар

Тарихий адабиётга мурожаат қилишдан олдин унинг муаллифи ким, мутахассислиги нима, тадиқикот мавзуси тилини билиб, бевосита манбалар билан ишлаганми? Археология, ашёвий далиллар, хужжатлар, қадимий гувоҳликларга мурожаат қилиптими? Бошқа олимлар тарафидан гиперкритицизмда айбланган эмасми? «Фош қилиш»ни асосий фаолияти қилиб олмаганми? деган саволларга жавоб топиб қўришни тавсия қиламан. Танкидбозликда машхур бўлган тарихчиларнинг китобларини ўта эҳтиёткорлик билан ўқиш керак. Яхши тарихчи олим сўзларида мувоозантли ёндашувни ва бошқа тарихий манбаларга эътибор ва эътиромини ҳис қиласиз, танкидий услубга эҳтиёткорлик билан мурожаат қилаётгани сезилади.

Ницше тарихга танкидий ёндашув ва уни идрок етишнинг бошқа усуллари (монументал ва антиквар) ўртасидаги мувозанатни топиш муҳимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, танкидий тарихий фикрлаш маънавий қайта тугилиш ва ўзини озод қилиш учун зарур, аммо у анъаналарга ҳурмат ва ҳозирги пайтда ҳаракат қилиш қобилияти билан мувозанатли бўлиши керак. Унинг таъкидлашича, тарих сизни тўлақонли яшашингизга ҳалакит берадиган оғир юк емас, балки ҳаётни бойитиш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Жамшид Муслимов